# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 28 AVGUST, SESHANBA 105 (7254) - сон

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

### "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"

**Алимов Фарҳод Ғуломович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

### "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"

**Аминов Собиржон Ниғматович** — Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири

**Асроров Асқархон** — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси профессори

**Маликов Восит Маликович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти бўлим мудири

**Расулов Абдуғафур Раҳимович** — Ўзбекистон Миллий университетининг жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

### "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"

**Матлуба Дадабоева (Халилова Мавлуда)** — Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли хонандаси

### "Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми"

**Баҳромов Икром** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

### "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"

**Юнусов Маҳаматали Юсупович** — "Уста Юсуфжон наққош" хусусий корхонаси ёғоч ўймакор устаси

**Қосимов Маҳмуджон Маъруфович** — "Устазода" корхонаси ганч ўймакори

### "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"

**Отемуратов Ғайратдин Қайипович** — Қорақалпоғистон Республикаси Генжебай бахши номидаги "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бадиий раҳбари

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"

**Деҳқонова Жамила Алимовна** — Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

**Меналиев Эскандер Энверович** — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри балет солисти

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Назаров Одилжон Фозилович** — "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри созандаси

**Султабаев Жалғасбай** — Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри опера солисти

**Тиллаев Учкун Тўраевич** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Тожибоев Комилбой** — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

**Шодиев Эркин Хушмуродович** — Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Шодиева Раъно Одиловна** — "Ўзбекфильм" киностудияси актёри

**Қодиров Абдумаъруф Воҳидович** — Республика Ёш томошабинлар театри актёри

**Ҳамроқулов Самандар Рустамалиевич** — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаси

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи"

**Олимжонова Зуҳра Йўлчибоевна** — Ўзбекистон давлат санъат институти катта ўқитувчиси

**Сон Светлана Михайловна** — Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" директори

**Тошмуродов Маҳамадиёр Эргашевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"

**Усмонов Аббосхон** — "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири

**Иванова Анна Витальевна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати раҳбари

**Ўтбосаров Икромжон** — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"

**Бобров Анатолий Андреевич** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи мутахассиси, график рассом

**Дўстаев Турғун Деҳқонович** — Ўзбекистон амалий санъат музейи директори

**Жунайдуллаев Шавкат Ҳамидуллаевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбектелефильм" студияси режиссёри

**Медюлянов Виктор Леонидович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасининг камер оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

**Мирзаев Фурқат Жалилович** — Самарқанд шаҳридаги 8-сонли маданият уйи ансамбли хонандаси

**Кўчқоров Усмон Сатторович (Усмон Кўчқор)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"

**Арифов Саидқосим Саидазимович** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматовенерология илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Борисова Елена Михайловна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**Гадоев Абдуғаффор** — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш кафедраси мудири

**Ибрагимов Азиз Йўлдошевич** — Республика 1-клиник шифохонаси бош врачи

**Собиров Жўрабой Марифбоевич** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош анестезиолог-реаниматологи

**Умарова Азадхон** — Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси бўлим мудири

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Абдуллаев Ғайрат Ниғматович** — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи

**Аҳмеджонов Равшан Раҳматович** — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими бош мураббийи

**Пўлатова Елена Леонидовна** — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг аёллар самбо бўлими бош мураббийи

*(Давоми 2-саҳифада)*

## Маданият ва санъат ривож топган юрт



***"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бу сафар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари билан бир пайтда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга.***

Мазкур фестивалда дунёнинг 51 мамлакатидан хонанда ва созандалар қатнашаётир. Улар ижросидаги куй ва қўшиқлар, жозибадор рақслар ҳар куни Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик», «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғларида намойиш этилмоқда.

Тадбирлар чоғида ЎзА мухбири фестивалнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

**Ким Кинг Хи *(Жанубий Корея)*:**

— «Шарқ тароналари»нинг қамрови, нуфузи ва аҳамияти, Самарқанднинг бетакрор гўзаллиги ва тарихий обидалари ҳақида аввалги фестивалларда иштирок этган ҳамюртларимдан эшитган эдим. Ушбу анжуманда қатнашар эканман, Самарқанд ҳақидаги, фестиваль ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Ўзбек халқининг нақадар бағрикенг, меҳмондўст ва санъатсевар эканига яна бир карра амин бўлдим. Бу шаҳарда ўтган кунларим умримнинг ёркин саҳифаларига айланиб қолади.

**Гулмира Адирбаева *(Қирғизистон)*:**

— Мустақиллик йилларида Самарқандда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бизни лол қолдирди. Шаҳарнинг муҳташам Регистон майдонида турли миллат ва элат оҳанглари қатори қирғиз халқининг куй-қўшиқлари ҳам ижро этилаётгани қалбимни ҳаяжонга солмоқда. Фестивалга «Дард ўтди» халқ қўшиғи, "Манас" достонидан парчалар, халқ лапарлари ва ўланларини тайёрлаб келганмиз. Дастурларимиз фестиваль иштирокчилари ва самарқандликларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

### "Шарқ тароналари"— 2007

**Понаётис Кипряно *(Кипр)*:**

— Дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб халқаро фестиваллар, санъат анжуманларида иштирок этганмиз. Аммо «Шарқ тароналари»нинг шукуҳи, файзи бошқача эканига ишонч ҳосил қилиб турибман. Фестиваль баҳонасида қадимий ва навқирон Самарқанд, унинг қадимий обидаларини кўриш, ўзбек халқининг бой мусиқа санъати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Бу ерда янграган тароналар эса ҳар бир кишининг миллий анъана ва қадриятларга ҳурматини оширади, эзгуликка, ҳамжиҳатликка чорлайди.

**Юнус Ажи Абубакар *(Малайзия)*:**

— Аввало, шундай катта фестивални ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик изҳор этамиз. Бизнинг юртимизда Ўзбекистонга қизиқиш, интилиш жуда катта. Бу санъат анжуманлари эса халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Биз бу заминда аждодлар меросини асраб-авайлаш, тарихни ўрганиш, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига яна бир бор амин бўлдик. Фестиваль дастури ҳаяжонли ва унутилмас таассуротларга бой бўлмоқда. Айтишим мумкинки, «Шарқ тароналари» Самарқандга муносиб фестиваль экан.

**Таъриф Хусайн Ҳошим *(Саудия Арабистони)*:**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар бир неча асрлик тарихга эга. Юртдошларим Самарқандни дунё илм-фани, маданияти, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган шаҳар сифатида яхши билишади. Мен ҳам Ўзбекистонни, гўзал Самарқандни кўриш орзусида эдим. Шукр, ана шу орзуим амалга ошди. 2750 йиллик тарихга эга ушбу шаҳарда бўлиб, унинг гўзал ва бетакрор обидалари, сўлим табиати, меҳмондўст одамлари билан танишиб, бир олам таассуротга эга бўлдик. Айниқса, шаҳар бозорларидаги тўкин-сочинлик, кишиларнинг очиқ-кўнгиллиги бизга манзур бўлди. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Самарқанднинг шон-шуҳратини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Болаликнинг мовий осмони остида

### Фестиваль таассуротлари

***Болаларнинг кўзларидан-да маъсум ва қалбларидан-да беғубор нима бор дунёда? Улар оламни шундай тасаввур қиладиларки, тасаввурларини оппоқ қоғозга чизадилар, жажжи қўлчалари билан тиккан кашталарида акс эттирадилар, қўшиқларида баралла куйлаб, жозибадор рақсларида ифодалаб берадилар.***

"Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз" ёш ижодкорлар фестивали Республика "Камалак" болалар ташкилоти ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан "Ёзни Камалак билан" лойиҳаси доирасида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ҳамда Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Тошкентнинг "Ёшлик" спорт мажмуасида ўтказилган ушбу фестивалда иштирок этаётган ҳар бир болакайнинг кўзларига боқиб, эртанги кунимизга ишонч ва умидни кўргандек бўласиз. Орзулари беғубор болаликнинг мовий осмони қадар юксак ўғил-қизларнинг жуда кўпчиликни ташкил этиши қалбингизни тўлқинлантиради.

Куй ва қўшиқ, меҳру саховатла ўтаётган ушбу фестивалда имконияти чекланган ижодкор болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг 6 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли фарзандлари, турли йўналишларда ижод қилаётган ёшлар иштирок этдилар.

Қизиқиш ҳавасдан бошланади. Ҳавас эса боланинг талантини юзага чиқариши шаксубҳасиз.

Уларнинг техникага ҳавасини ясаган автомобилларию ракета, самолётларидан, табиатга меҳрини эса экиб ўстирган анвойи гулларию, боқаётган қушларидан билсангиз бўлади. Матоларга, миллий либосларимизга жажжи қўллари билан жило бериб тикилган кашталарнинг нафислиги сизни ҳайратга солади.

Расм чизаётган болаларнинг бирига яқинлашаман. Юртимиз байроғи ва байрамона кайфиятни тасвирлаб, рангларни жилолантираётган, ўзини Абдулазиз Содиқов деб таништирган 11 ёшли болакай:




– Менга бунақа кўрик-танловларда қатнашиш жуда ёқади. Расм чизиш энг яхши кўрган машғулотим, жуда кичкиналигимдан расм чизаман, – дейди севинчдан кўзлари порлаб.

*(Давоми 2-саҳифада)*

## Ҳақиқатга айланган афсона

### Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон темир йўлида поездлар қатнови бошланган кун ўйлари

***Бир вақтлар Тангимуш, Кофрун, Работ, Хўжабулғон, Дарбанд ерлари кимсасиз чўл бўлган. Нақл қилишларича, бу ерларда Қўнғирот элининг ботир паҳлавони Алпомиш от чоптирган. Елдек учқур Бойчиборининг бақувват туёқлари зарбидан дала-даштлар зир титраган, гупур-ғупури узоқ-узоқларга акс садо берган.***

Сўнг адирликлар оралаб карвон ўтган. Самарқанддан чиққан садвогарлар шу йўлдан Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистонга карвон тортган. Қадимий Буюк Ипак йўли шу тариқа вужудга келган. Орадан йиллар ўтди, дарёлар тўлиб, қанчадан-қанча сувлар оқди. Қадимда туялар из қолдирган кўҳна карвон йўли ўрнида энди пўлат излар ётқизилди. Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлидан қатнаётган поездларни кўриб, кўз қувонмоқда, қалблар ғурур ва ифтихорга тўлмоқда. Асрий орзу-умидлари рўёбга чиққан тоғлик халқлар бундан беҳад шод бўлмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компанияси қадоқ қўлли бунёдкорлари бу борада фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишлаганликлари туфайли кутилганидан ҳам зиёд натижаларга эришилди. Бир қанча кўприклар, сув ўтказиш иншоотларида қурилиш ишлари муддатидан илгари охирига етказилди. Дарбанд, Чак-чак довонлари оралиғида қурилган 300 метр узунликдаги кўприкнинг баландлиги 44 метрдан ортиқ баландликни ташкил этади. Бу ўн беш қаватли бинонинг баландлиги билан баробардир. Қурилиш конструкциялари, ғишт, шағал, қум ва бошқа темир-бетон ускуналари юкланган вагонлар тиркалган поездлар ҳаракати тинмайди.




Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши минтақада туб инқилобий ўзгаришлар ясаяпти, янгича ҳаёт олиб киряпти. Тангимуш, Қудуқсой, Ажрим, Кофрун, Работ, Хўжабулғон, Сангчил, Шўроб маҳаллалари обод, кўркам тус ола бошлади, Янги-янги корхоналар таркиб топиб, минглаб ишчи ўринлари барпо этиляпти. Шинам, замонавий аҳоли манзиллари, даҳалари вужудга келаяпти. Халқимизнинг эса узоғи яқин, мушкул юмушлари енгил кўчаяпти. Орзу-умидлари рўёбга чиққанлигидан ёшу кексанинг юзида табассум, лабида ханда. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, тоғ ва тоғолди зоналаридаги ҳали юзага чиқмаган ер ости қазилма бойликларини ўзлаштириш учун катта имкониятлар яратиляпти.

Шу ўринда бир мисол. Бойсун тоғли туман. Унинг ҳудудида кўмир, газ, олтингугурт ва кўплаб бошқа табиий бойликлар захираси бисёрлиги аллақачон аниқланган. Икки тарафлама имзоланган шартномага асосан Малайзия, Эрон, Германия ва Россия каби ривожланган хорижий давлатларнинг етук мутахассислари қидириш, пармалаш ишларини амалга оширяпти. Бу борада жуда катта манфаатли сармоялар ажратилган.

Демак, қазилма бойликларни ишга тушириш ва ундан фойдаланишда, маблағ сарф-харажатларини камайтиришда темир йўллар жуда-жуда иш беради, катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли аср қурилиши деб белгиланди. Мустақилликнинг зарбдор объектини бунёд этиш эса шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланди. Юртбошимизнинг доимо диққат-эътиборида турди. Барча ишчи кучи ва техника воситалари бу ишга сафарбар этилди.

Қурилиш давом этган дамларда Дарбанд, Шўроб, Чак-чак, Оқработ участкаларида бўлган киши тоғлар бағрида, бир-бири билан елка тирашиб ётган қир-адирликлар қўйнида турнақатор тизилиб, тупроқ сураётган қудратли бульдозерларни, тош, шағал ва қурилиш анжомлари юкланган юзлаб баҳайбат "БелАЗ", "КамАЗ" автоуловлар ҳаракати кўзни қамаштирарди, ҳайратдан беихтиёр ёқа ушларди киши.

*(Давоми 2-саҳифада)*

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1025,77 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2530,85 |
| 1 Дания кронаси | 230,97 |
| 1 БАА дирҳами | 346,26 |
| 1 АҚШ доллари | 1271,72 |
| 1 Миср фунти | 224,36 |
| 1 Исландия кронаси | 19,08 |
| 1 Канада доллари | 1200,98 |
| 1 Хитой юани | 167,63 |
| 1 Малайзия ринггити | 364,55 |
| 1 Польша злотийси | 448,09 |
| 1 СДР | 1939,70 |
| 1 Туркия лираси | 945,59 |
| 1 Швейцария франки | 1054,67 |
| 1 ЕВРО | 1718,09 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,49 |
| 10 Япония иенаси | 110,40 |
| 1 Россия рубли | 49,72 |
| 1 Украина гривнаси | 251,83 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Мулк қадрига етган мулкдор бўлади

**Норин туманида фаолият кўрсатаётган уста пахтакор Тўхтасин ака юрт мустақиллиги эълон қилинган куни ҳамкасблари билан мўъжазгина шийпонда ҳангомалашиб ўтирарди.**

Шунда беихтиёр собиқ шўро даврида икки йил Анголада хизмат сафарида бўлган даврлари ёдига келди. У ерда маҳаллий аҳолига пахта экишни ўргатган эди. Ўшанда Ангола давлатчилик соҳасида эндигина тетапоя бўлаётганига қарамай ҳамма нарса мустақил бажариларди. Муҳими, одамлар фаровонлиги таъминланган. Хусусий мулк, тадбиркорлик кенг қулоч ёйган. Ҳар ким ўз ишини пухта билади. Қилаётган ишининг самараси ҳам, фойдасидан ҳам авваламбор ўзи манфаатдор.

Шунда биз ҳам қачон мустақил бўлиб, қадримизни тиклаймиз деб ўйлаган эди. Мана, шу кунларни кўриш ҳам насиб этди. Энди ишлайдиган замон келди.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳукумат қарори дилида тугиб юрган орзуларининг ушалишига йўл очди. Ўша йили тумандаги "Оқ олтин" ширкат хўжалиги тасарруфидан 40 гектар ташландиқ ер олиб, Бектемиров номли фермер хўжалигига асос солди.

Агросаноат мажмуидаги бундай янгиликни теран англаганлар "эплаб кетади" дейишса, оғзига кучи етмаган баъзи кишилар эса "Тошлоқ ерда экин унармиди, сарҳисобда сичқоннинг ини минг танга бўлмаса, ана кўрамиз", дея орқаворотдан шаъма қилишди. Бироқ ерга чин дилдан меҳр боғласа, барханни ҳам яшил майдонга айлантириш мумкин. Шу боисдан фарзандларини қаватига олиб, аввал далани тош ва чиқиндилардан тозалади. Сўнг маҳаллий ўғитга тўйинтириб, кўнгилдагидек, ишлов берди. Тўғри, бошланишида айрим муаммолар ҳам пайдо бўлгани рост. Бироқ мулкдорлик масъулияти ва келажакка ишонч-эътиқод кўзланган мақсад сари интилишига имкон берди.




Кузакда пахта ҳосилдорлиги, айниқса, мўл бўлди: гектаридан 24 центнерданга тош босди. Бир четда ташкил этилган боғдаги ниҳоллар эса илдиз отиб, ўзини тутиб олганди. Дастлабки мавсумдан унинг кўнгли таскин топди.

Мана, ўн беш йилдирки, Тўхтасин Бектемиров мисолида нафақат норинликлар, балки вилоятдагилар ҳам фермерлик ҳаракати афзалликлари ва унинг агросаноат мажмуи ривожига қўшаётган ҳиссасини яхши билишади. Чунки тасарруфидаги далаларида етиштирилаётган маҳсулотлар сифати ва салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий мавсумда ана шу жамоа тажрибаси яна қўл келди: ғаллачиликдан 22 миллион сўм соф даромад кўрилди. Ғўзанинг ривожи ва ҳосилга-ҳосил қўшилиши ҳам кутилганидай, самара бераяпти.

Албатта, ютуқларга осонликча эришилаётгани йўқ. Унинг замирида изланиш, мулкка эгалик ҳиссини туйиш ва истиқлол келажагига ишончнинг устуворлиги ҳамда 30 нафар ишчининг меҳнатлари мужассам.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитининг ўз талаби ва йўриқлари кўп: улардан асосийси яхши ишлаб, фаровон турмуш кечиришдан иборат. Бектемиров номли фермер хўжалиги меҳнат аҳли ана шу оддий ақидани пухта ўзлаштирганлар сирасидан. Шу сабабли ишлаб топилган маблағ ҳисобидан фаолиятини янада кенгайтириш қаторида, "Марғизар" маҳалласида ободонлаштириш ва ижтимоий масалаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўтган йилларда шу маҳалла тасарруфидаги тўртта кўчага асфальт ётқизилди. Ён-атрофдаги хонадонлар аҳлига ичимлик сув ва табиий газ етказиб берилди. Кам даромадли, қарамоғида ҳеч кими йўқ 10 нафар кишиларга етиштирилаётган маҳсулотлардан улашилаяпти. Байрам ва тадбирларда улар йўқлаб турилади. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида туман халқ таълими ҳамда марказий шифохона, қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлашга ҳар йили етарлича маблағ ажратилмоқда.

Тармоқлар пухта ўзлаштирилгани ва тадбиркорликнинг кенг шаклланганы ҳамда илғор технологияларнинг жорий этилаётгани ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан бирга, янги-янги режаларни тузиб олишга туртки бераяпти.

Фермер ўтган йил якунидан сўнг бисотидаги маблағни ҳисоб-китоб қилиб кўргач, унинг бир қисмини кичик линиялар олиб келишга, яъни консерва заводини ишга туширишга, чорва ва паррандачиликни шакллантириш ҳамда ганчкор цех-сопол идишлари тайёрлаш хумдонларини қуришни мўлжаллади. Айни пайтда Россия ва Голландия давлатларидаги компаниялар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган: кичик линиялардан айримлари олиб келиниб, ишга туширилган ва шу жойларда маҳаллалардаги ёшлардан 35 нафарининг бандлиги таъминланган. Бу борадаги бошқа режалар ҳам бирин-кетин рўёбга чиқаётир. Асосийси, етарлича маблағ бор ва мулкдорда келажакка ишонч, меҳнатга иштиёқ баланд.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Наманган вилояти.***


Акциядорлик тижорат
Турон банк
жамоаси
барча юртдошларимизни
Ватанимизнинг энг азиз
ва муқаддас байрами –
Мустақиллигимизнинг
16 йиллиги
билан қизғин
табриклайди.




## МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

***Нукус шаҳри мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Янги-янги маҳаллалар, гузарлар, кўчалар, хиёбонлар барпо этилди. Масалан, ўтган йили бошланган 16 километрлик айланма йўл, эски шаҳар билан янги Нукус ораси, аҳоли таъбири билан айтганда, "бир қадам" бўлиб қолди.***

### Нукус ёшлар шаҳри

Мамлакатимиздаги энг йирик Қизкетган каналига учинчи кўприк қурилди. Темир йўл вокзали таъмирланиб, янгича гўзал қиёфа касб этди. Бундай ўзгаришларни санаб саноғига етиш қийин. Замонавий, ҳавас қилса арзигулик жиҳозланган 18 та касб-ҳунар коллежларидаги 24 минг нафар ёшларнинг касб сирларини мукаммал ўзлаштиришлари учун қулай шароитлар яратилди. Фақат шу йиллар ичида қурилган 5 та академик лицейлардаги таълим олаётган талаба йигит-қизлар ҳам улар учун кўрсатилган ҳиммат туфайли билим сирларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Энг қувонарлиси, амалдаги йилнинг ўтган даврида 3 та энг йирик умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилинди, яна шунча мактаблар эса капитал таъмирланди. Спорт манежининг қурилиши сифатли тугалланиб, бир неча юзлаб ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун жуда яхши шароитлар яратилди.

2-сон Тиббиёт ва спорт коллежлари ишга туширилиб, янги ўқув йилидан эътиборан йигит-қизлар ушбу билим даргоҳида ўқиб, малакали кадрлар бўлиб етишадилар.

### Орол ўзанидаги саксовулзорлар

***Мўйноқ тўқай хўжалиги Қорақалпоғистондаги ана шундай ташкилотлардан энг йириги ҳисобланади.***

Орол денгизи сувининг 200 километрдан ҳам узоққа пасайиб кетиши боис улар зиммасига ғоят муҳим вазифалар юкланган. Чунки хўжаликка тегишли жами 320 минг гектарнинг аксар кўп қисми денгизнинг қуриб қолган ўзанига тўғри келади. Ғоят мураккаб экологик шароитда меҳнат қилаётган тўқай хўжалиги меҳнат жамоаси қумнинг кўчиш хавфи олдини олиш мақсадида 11 минг гектар майдонга саксовул уруғини сепиб чиқишди. Амалдаги йилнинг баҳор фаслида эса 250 гектар қумликка саксовул ниҳоллари ўтқазилди.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
***Қорақалпоғистон Республикаси***

## Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси

***Вилоят Ёшлар марказида маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг "Энг намунали диний-маърифий ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Унда ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан фаол маҳалла маслаҳатчилари ўз иқтидорини намойиш этдилар.

Танловда Пастдарғомдаги Галабут маҳалласи маслаҳатчиси Дилбар Бобоназарова ва Самарқанд шаҳридаги Боғишамол маҳалласи маслаҳатчиси Муҳаббат Ғуломова биринчи ўринга лойиқ кўрилдилар.

Танловнинг республика минтақавий босқичи 23 август куни Самарқанд шаҳрида ўтказилади.

*Хабарлар*

## Байрамга бағишланди

***Вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўқувчи-ёшлар ўртасида "Автокўпкураш" республика биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган ёш техниклар 5 та йўналишда автоэстафета, пневматик милтиқдан ўқ отиш, граната улоқтириш, фигурали ҳайдаш, ҳаракат қоидалари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Мусобақа кескин ва кутилмаган натижаларга бой бўлди. Биринчилик якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўринга лойиқ топилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти жамоаларига эса кейинги ўринлар насиб этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Самарқанд вилояти.***

# Уруғлик сифати – мўл ҳосил гарови

## 1000 донасининг оғирлиги 43 граммдан ошаётганлиги сифатига кафолат

***Қарийб ўн йилдирки, уруғлик буғдой тайёрлаб келаётган андижонлик деҳқонлар муайян тажрибага эга. 2007 йил ҳосилидан 97200 тонна уруғлик тайёрланди. Шундан 79680 тоннаси бошқа вилоятларнинг эҳтиёжларига мўлжалланган.***

Уруғлик буғдой саранжомлаб олингандан буён "Андижондонмаҳсулот", "Қўрғонтепадонмаҳсулот", "Асакадонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамиятларининг жойлардаги шохобчаларида иш тўхтовсиз олиб борилмоқда. Уруғлик буғдойларни тозалаш, саралаш ва дорилаш ишлари энг замонавий "Петкус" технологиясида амалга оширилмоқда. Тайёр ҳолатга келтирилган уруғлик эса пешма-пеш вилоятларга жўнатилмоқда.





Ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларига бир неча юзлаб вагон уруғлик етиб борди.

Уруғчилик шу қадар нозик ишки, тайёрловчилар, агрономлар, лаборатория ходимлари "Ўздавуруғназорат" маркази мутахассислари ҳамда барча вилоятларнинг вакиллари биргаликда ҳаракатда бўлишади. Пойтуғ дон тайёрлов корхонасида бўлганимизда "Сурхондон" ҳиссадорлик жамияти вакили Шайдулло Кенжаевни лаборатория мудири Ҳусанбой Қўзиев билан мулоқот чоғида учратдик. Лаборант Ойшахон Умирзоқова шу дамда тайёрланаётган "Чиллаки" буғдой уруғининг 1000 донасини тарозидан ўтказаётган эди.

— Аъло кўрсаткич, — деди Шайдулло Кенжаев бир неча дона буғдой уруғини кафтига олиб. — Андоза бўйича 1000 дона буғдойнинг оғирлиги 38 граммдан оғирроқ бўлса кифоя. Бу ерда эса ушбу кўрсаткич салкам 43 граммга етяпти. Бу уруғнинг сифатлилигига нақадар тозалигига ишора. Воҳанинг деҳқонлари келгуси йил ҳосили учун Андижондан 6400 тонна уруғлик олишади. Бу ердан олинаётган уруғликка талаб жуда катта.

Кузда экиладиган буғдой уруғлари орасида "Половчанка", "Крошка" ва "Краснодар-99" навлари бор. Уруғликни янгилаб бориш тамойилига кўра айни вақтда "Бобур", "Таня", "Кума", "Восторг", "Нота", "Память", "Андижон-4" каби истиқболли буғдой навларининг элита уруғлари ҳам тайёрланмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ғаллачиликни ривожлантириш ва навларни жойлаштириш бўлими бошлиғи Равшанбек Тўлановнинг айтишига қараганда, соҳада ҳам таркибий ўзгаришлар юз бераётир. Ҳозиргача бир ҳудудда икки ёки уч хил навдаги буғдойни етиштириш мумкин бўлган эди. Энди бу усулга барҳам берилмоқда. Айни вақтда Россиядан келтирилган ва маҳаллий шароитга мослашган бир қатор буғдой навларини алмаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки ҳар қандай экин маълум вақт ўтгач ташқи муҳит таъсирига мослашиб қолади. Бу эса ҳосилдорликка салбий таъсир ўтказа бошлайди. Навларни алмаштиришдан кутилган мақсад ана шундан иборат.

Мутасаддиларнинг эътироф этишларига қараганда уруғлик буғдой тайёрлаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олдинда. Вилоят ҳокимлиги кузги бошоқли дон экиш мавсумининг яқинлашиб келаётганлигини эътиборга олиб, уруғлик тайёрлашни 10 сентябргача якунлашни вазифа қилиб қўйди. Токи жойлардаги фермерлар қайси навдаги буғдой уруғини экишнинг ҳисоб-китобини барвақтроқ олсин. Бундан ташқари, уруғлик буғдойнинг дорилангандан сўнг тиниш даври борлигини ҳам назарда тутиш зарур. Тайёрловчилар ана шу талабга жавобан иш унумини оширишга интилишяпти. Андижондаги тайёрлов шохобчаларидан уруғлик буғдой ортган вагонларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганлиги эса фермерларга кузги бошоқли дон экишни ўз вақтида амалга оширилишига кафолат беради.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Андижон вилояти.***

# Ҳовлингиздаги бир туп ўрик...

***(Давоми. Боши газетамизнинг 98,103-сонларида)***

***Газетанинг аввалги сонларида уруғларни экишга тайёрлаш ва кўчатларни пайвандлаш ҳақида маълумот берган эдик. Навбатдаги тавсияларимиз эса кўчатларни доимий жойга ўтқазиш ҳақида.***

*Боғбон тавсиялари*

***Куз пайтида кўчатларни қазиш.*** Кўчатларни қазишни ноябрдан бошлаган маъқул. Кўчатларни қазишдан 10 кун аввал барглари олиб ташланади. Қазишдан бир-икки кун олдин уларга мириқтириб сув берилади. Шундан сўнг кўчатлар қазиб олинади ва бошқа – доимий ўсиш жойларига ўтказишга тайёрланади.

Доимий жойларга экишдан олдин сақлаб туриш даврида зовурлар қазилади ва уларга сув қуйилади. Кўчатларнинг учлари бир оз қирқиб ташланади. Шундан сўнг кўчатлар зовурларга жойлаштирилади. Жойлаштириш пайтида пайвандлаш жойи шимолга йўналтирилган бўлиши шарт. Кўчатлар кўмилаётган пайтда зовурдан қазиб чиқарилаётган тупроқнинг устки қисми зовурнинг пастига ташланади, пастки қисмидан қазилгани эса аксинча, зовурнинг устига ташланиб, шу тариқа кўмилади. Лекин бу кўмиш пайтида пайвандланган қисм очиқ қолиши таъминланган бўлиши керак.

Шундан сўнг кўчатлар доимий илдиз оладиган жойларига экилади. Кўчатлар 3-4 ёшга етгандан кейин уларга шакл бериш бошланади. Бунда ички томонга ва ташқи тарафга ўсган ортиқча новдалар қирқиб ташланади. Ўриклар кесилганда бошловчи деб аталувчи ва энг ривожланган марказдаги шох бошқаларга нисбатан камроқ қирқилади. Шафтолида эса илдиздан 80-100 сантиметр қолдирилиб, бир йиллик бўлган кўчатларнинг барча шохлари бир хил кесиб ташланади. Дарахтларда шохлар орасидан шамол ўтиб туриши шартдир.

**Мақсудбек АЛИМБЕКОВ**

*Янгиликлар*

## Хонқада янги коллеж

***Хонқа туманида пахта тозалаш заводи ўрнида қад ростлаган педагогика ва спорт ихтисоси йўналишидаги 720 ўқувчига мўлжаланган коллежда 1 сентябрдан ўқув машғулотлари бошланади.***

Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига туҳфа сифатида очилаётган лойиҳа қиймати 2 миллиард 264 миллион сўм бўлган бу янги ўқув маскани "Жанубгазқурилиш" очиқ акциядорлик жамияти "Хиванефтгазқурилиш" унитар корхонасининг Ўткирбек Ёқубов бошчилигидаги бунёдкорлари меҳнати билан барпо этилди.

## "Минг отлиқ маликалар"

***Минг отлиқ диёри – Ҳазораспда яшаб, меҳнат қилаётган аёллар ҳақида маънавият ва тарғибот ишлари туман маркази томонидан тайёрланган китоб ана шу ном билан аталади.***

Китобда муҳтарам Президентимизнинг аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини мустаҳкамлаш ҳақидаги қимматли фикрлари, буюк мутафаккирларнинг ана шу мўътабар зотлар ҳақидаги фикрлари жой олган бўлиб, туман аёлларидан 142 нафарининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари суратлар ёрдамида қизиқарли баён қилинган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Хоразм вилояти.***

